

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
“ФАЛСАФА ВА ФАН МЕТОДОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

ФАН ВА ЭЗОТЕРИЗМ

Топширди: 2-курс магистранти С.Азимов

Қабул қилди: ф.ф.н. доц.в.б. С.Аллаярова

Тошкент – 2014

КИРИШ

АСОСИЙ ҚИСМ

1. Фан ва унинг тараққиёт концепциялари
2. Фалсафий билимлар ривожда эзотеристик концепцияларнинг ўрни
3. Фалсафада фан ва эзотеризм муносабати
4. Замонавий фалсафада сциентизм ва антисциентизм муаммоси

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Илм-фаннинг вазифаси инсоннинг боқий қалбини янги-янги тилаклар билан аврашда эмас, балки уни ерда бошини кўтариб, тик юришга ўргатишдадир. Фан ҳозир мавжуд технологиялар комплекси асосида глобал экологик кризисни бартараф этиб бўлмаслиги ҳақидаги хулосага келмоқда¹. Даврий-генетик динамика концепциясига мувофиқ ушбу мушкулотни ечиш учун навбатдаги, олтинчи технологик укладга ўтиш керак. Квант-вакуум технологиялари ўз истиқболида ушбу укладнинг мағзини ташкил этиши мумкин. Лекин бунинг учун ҳозирги давр фани квант ҳодисаларининг ҳиссий нореаллиги билан боғлиқ ўз экспериментларини жиддий илмий назорат остига олиши ва улар асосида янги умумилмий парадигмани ишлаб чиқиши керак². Бунинг учун фан, агар у ушбу (квант) ҳодисаларнинг реаллигини тан олса, қуйидаги икки альтернатив гипотезадан бирини танлашига тўғри келмоқда:

Онгни моддийликдан мустақил, бош мия пўстлоғидаги атом-молекуляр нейрофизиологик жараёнлардан ташкил топмайдиган автоном ҳодиса деб ҳисоблаш керак. Оламда икки ўзаро боғланган қатламларни - моддийлик ва онгни келтириб чиқарадиган ва улар эволюциясини таъминлайдиган тизим-шакллантирувчи фундаментал протоструктура мавжуд. Биринчи гипотеза оламда қандай мураккаб нарса бўлмасин, у атом-молекуляр жараёнлардан ташқари мавжуд бўла олмайди, деган аввал шаклланган тасаввурларга зид келади. Бу бизни Декартнинг реалликнинг икки қатламга – моддага ва номоддий онгга ажралиши ҳақидаги дуалистик таълимотига қайтаради.

Иккинчи гипотезанинг қизиғлиги шундаки, уни квант вакууми физикаси соҳасида эришилган кашфиётлар билан қиёслаш ҳам мумкин. Зеро, квант ёки физик вакуумнинг қонуний таърифига кўра бу борлиқнинг ҳеч қандай энг майда заррачаси ҳам мавжуд бўлмаган бўшлиқ, яъни ноборлиқдир. Айни пайтда Гейзенбергнинг ноаниқликлар нисбатига мувофиқ қувват квантининг флуктуациялари туфайли вакуум виртуал заррачалар “тумани”ни билан тўлиқ. Кўпгина физик ҳодисалар реал физик заррачалар коллективи билан шу виртуал квант “тумани” орасидаги ўзаро таъсирлар орқали тушунтирилмоқда. Боз устига ҳозирги космологик назарияларга кўра, Коинотнинг ўзи ҳам квант вакуумининг гигант қуввати флуктуациясининг Катта Портлаши жараёнида келиб чиққан.

Агар бу назария қабул қилинса, у ҳолда Оламни вужудга келтирган ушбу вакуумнинг мазкур Коинотнинг (18 минг Оламнинг) ҳоссаларини, унинг эволюция қонунларини ва барқарорлик параметрларини белгилаб берадиган муайян информатсион матрицаси (шакллантирувчи ғоявий қолипи) ҳам бўлиши керак. Бошқача айтганда вакуумнинг номоддий шакллантирувчиси мавжуд бўлиши керак. Ҳозирги квант космологияси бу хулосани ошкор этмаяпти. Лекин ҳозирги кунда вакуумнинг шакллантирувчи

¹ Лесков Л.В. Философия нестабильности. Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №3, 2001. 40-61 -б.

² Джан Р., Данн Б. Границы реальности. М., 1995.

хусусиятлари батафсилроқ ёритилган квант вакууми назариялари бор¹ ҳамда бу йўналишда юзлаб адабиётлар нашр этилган. Айни пайтда бу назарияларга скептиklarча қараётган (ортодоксал) олимлар гуруҳи ҳам бор. Лекин мазкур назариялар бўйича Россия ва АҚШнинг кўпгина илмий тадқиқот марказларида муваффақиятли ишлар олиб борилмоқда. Шу назариялар асослаган квант-вакуум эффектларини ўрганиш асосида яратилган янги технологиялар саноат тажрибаларида синовдан ўтказиб келинмоқда.

Квант вакууми семантикаси (маъноси)нинг таҳлили муаммоси хусусида тўхталсак, бу йўналишдаги ишлар онгги ўрганишда катта аҳамиятга эга эканини қайд этилмоқда. Бу борада В.В.Налимов ва Н.И.Кобзеванинг психион вакуум ҳақидаги хулосалари асосида шаклланган мезон концепцияси диққатга сазовор². Ушбу тадқиқотлар психология ва ва нейрофизиология муаммоларини ечиш янги имкониятларини яратади, фармокология, медицина, қишлоқ хўжалигида ва, айниқса, ахборотлашув ва коммуникацияда фойдали бўлади, деб қаралмоқда. Шунингдек, квант информациясини микро ва макро даражаларда узатилиши парадоксларининг Б.Б.Кадо́мцев³ томонидан таҳлил этилиши итуция ҳодисасини ҳам шу концепция асосида тушуниш мумкинлиги ҳақидаги хулосага олиб келди.

Хуллас, фанда содир бўлган ҳозирги эволюцион кризиснинг кўлами ва аҳамияти аввалги даврлардагидан бекиёс катта. Бу борада ортодоксал ва ноортодоксал, фалсафий ва илмий, материалистик ва идеалистик, рационалистик ва интуитивистик нуқтаи назарлар орасида кураш жараёни содир бўлмоқда.

¹ Қаранг: Акимов А.Е. Облик физики и технологии в начале XXI века. Екатеринбург, 1998.; Шипов Г.И. Теория физического вакуума. М., 1997.; Бауров Ю.А. О структуре физического пространства и новом способе получения энергии. М., 1998.

² Бу ҳақида батафсилроқ қараш мумкин: Лесков Л.В. Фундаментальная консематическая протоструктура Вселенной // Сознание и физический мир. М., 1997. 84—128 -б.

³ Кадо́мцев, Б. Б. Динамика и информация [Текст] : научное издание / Б. Б. Кадо́мцев . - М. : Ред. журн. "Успехи физ. наук", 1997. - 397 с.

1. Фан ва унинг тараққиёт концепциялари

Фан инсон тафаккурининг юксак мевасидир. У ҳозирги давр глобал муаммоларини тўғри онглаш, ечиш, уларнинг хатарларидан сақланиш, борлиқнинг теран сирларини билиш, инсоният онгли фаолиятини янада юксакликка кўтарилиб бориши учун зарур. Лекин, планетамиз ҳаётидаги ҳозирги шароит фан кашф этган билимларни амалиётга қўллаш оқибатлари ва уларнинг ахлоқий қадриятлар билан узвийлашуви бўлмаса, унинг зарари фойдасидан анча катта бўлишини кўрсатди. Айни пайтда унинг инсон онги тараққиётининг энг олий марраси эмас, балки унинг чекланган эволюцион босқичи эканини кўрсатадиган жиддий ялпи инқироzi кузатилмоқда. Уни шу инқироз ёқасига олиб келган кризисдан чиқариш борасида жиддий изланишлар олиб борилиши керак. Фаннинг кризисга учраши, бир томондан, унинг борлиқни айрим-айрим (фрагментар) биладиган махсус соҳаларга ажралиб кетиб, борлиқни яхлит билишга қодир бўлмай қолганининг оқибати бўлса, иккинчи томондан, унинг тор моддапарастлик фалсафасига таяниб, руҳият оламининг мавжудлигини инкор этиб келаётганидир. Ваҳоланки, моддапарастлик фалсафасидан кенг ва теран, И.Кант “метафизика” деб, Шарқда эса “ҳикмат” деб аталган юксак таълимотлар ҳам мавжуд. Айни шундай таълимотларга таяниш фанни кризисдан чиқара олади ва уни юксак ахлоқий қадриятлар билан боғлай олади.

Ҳозирги даврда фан тараққиёти муаммоларини ўрганувчи мутахассиларининг фикрларига кўра ҳозирги давр фанининг ўзи ҳам чуқур ва ялпи кризисни бошдан кечирмоқда. Маълумки, ҳозирги давр фанининг фундаментини (пойдеворини) табиатшунослик фанлари ташкил этди. Фан ташқи, кўриниб турган моддий шакллар, яъни моддий объекти реаллик ҳақидаги илм сифатида вужудга келган илмдир. Шунинг учун у дунёнинг ғоявий (ички) мазмуни (яъни моддий оламнинг, космоснинг вужудга келиши Режасини, ғояларни) билишга қодир эмас. Ғоялар (руҳият) ҳечқачон фаннинг тадқиқот доирасига кирмай келган. Шунинг учун ҳам фаннинг ўзи, гарчи тизимлилик принципини ҳарқандай илмий тадқиқотнинг етакчи принципларидан бири деб эълон қилган эсада, ўзи бу принципга риоя эта олмайди, уни чуқур билмайди ва тушунмайди деб қатъий равишда айтиш мумкин. Айнан шунинг учун биз рус файласуфи М.И.Беляевнинг мазкур чекланганлик туфайли ҳозирги давр фани, унинг барча соҳалари глобал кризисга учради, деган фикрига тўлиқ қўшиламыз. Беляев фаннинг пойдеворий соҳалари кризисини қуйидагича характерлайли: “ “Бирламчи”, энг майда заррачани излаб топиш билан шуғулланиб келган микрофизикадаги кризис бу соҳанинг заррачани эмас, балки унда “аксланган” бутун бўлмаган ҳодисаларни – зарядларни, яъни ўзи инкор этиб келган “аксилмоддий дунё”га ўтиб кетди.

Квантлар механикасидаги кризис унда кўп “чалкашликлар” мавжудлигида намоён бўлади. Бу чалкашлик квант объектлари вектор хусусиятларини ўрганишда намоён бўлади. Ваҳоланки, ҳар битта квант объектининг фақат ўзига хос Меёри мавжуд бўлиб, у ана шу меёр

доирасидагина мавжуд бўлади ва сақланади. Бу эса “квант ноаниқлиги”дир. Нисбийлик назариясининг кризиси (Умумий Нисбийлик Назарияси, Хусусий Нисбийлик Назарияси) нисбийлик ғоясини олдинга сургани ҳолда “олабий константалар (мутлоқлик)” (ёруғлик тезлиги, Планк доимийси ва б.) билан иш кўрилаверишида намоён бўлади. Тиббиётдаги кризис аввало инсонга бир бутун организм сифатида ёндоша олмаслигида намоён бўлади. У киши ички органлари паталогисинигина ўрганиб, уларга бутун организмдан айриб олиб қарайди. Шунинг тиббиёт бир аъзони касал қилиш эвазига бошқасини тузатишни ўрганди. Расмий медицина хасталикнинг ўзи билан эмас, балки унинг белгилари, оқибатлари билан курашади. Ва ҳо казо... “.¹

Буларнинг ҳаммаси, юқорида таъкидланганидек, маънавий сабабга, яъни фаннинг борлиққа ҳамиша бирёқлама, материалистик (моддапарастларча) кўз билан қараб келганига бориб тақалади. Бу эса унинг оламнинг кичик бир, юзаки қисмини, фақат моддий аспектини билишга интилиш билан чекланиб қолишига олиб келди. Шунинг учун ҳам фандаги “соф материалистлар” бу кризисдан ҳеч қачон чиқа олмайдилар.

Ҳозирги даврда фаннинг барча соҳалари тўлиқ интеграллашуви кераклиги ҳақида гапирмаган ҳеч ким қолмади. Лекин, ҳозирги даврда ҳатто кўпчилик томонидан фанни ҳалокатдан қутқарувчи энг янги парадигма сифатида умид билан қаралаётган синергетика ҳам, руҳиятни инкор этаркан, бунга эриша олмайди. Яъни, бу борадаги уринишлар тегишли реформа, трансформация содир бўлмагунича натижа бера олмайди. Чунки фан интеграллашиши учун у аввало ўзининг ғоявий оламдан четлашувиға барҳам бериши, материя, моддий муносабатлар (ижтимоий) онгни белгилаши ҳақидаги фикридан воз кечиб, онг ва моддият борлиқнинг бир-биридан ажралмас, узвий аспектлари эканини англаб етиши керак. Лекин бунинг акси ўлароқ фан шу вақтгача “моддапарастлик кўз ойнаги”ни тақиб юравериб, фан чин илмга (ҳамиша тобора юксак илм сари тинимсиз интилиш жараёнига) эмас, балки кўроқ ҳунармандчиликка ўхшайдиган техноген инженерлик тафаккури даражасига тушиб қолганига кўп бўлди. Тўғри, инженер ҳам кашфиётчи ҳисобланади. Аммо инженер ижоди заминида асосан хусусийликни билишдан умумийлини билишга ўтиш (индукция методи) ётиши ҳамда кашфиётлар ҳодисалар моҳиятини билиш учун эмас, балки асосан қулай яшаш амалиётига қўллаш учунгина қилингани учун у боши берк кўчага кириб қолиши, яъни кризисга учраши муқаррар ҳам эди. Индуктив методнинг камчилиги эса билишни ҳамиша боши берк кўчага (кризисга) олиб келиб қўяверадиған, ҳамиша эски назариятларни рад этиб, янгиларига ўтишига олиб келаверадиған тажриба ва адашувларга асосланишидадир.² Масалан, ўрта асрлар фанининг кризисга учраши натижасида ХУ11-ХУ111 асрларда Галилей, Декарт ва Ньютон томонидан ишлаб чиқилган калассик механика ва дунёнинг механикавий илмий

¹ Беляев М.И. Милогия. Концепция русского национального государства. - М.2006.www.milogiya2007.ru/rusnaz1.htm).

² Дедукцияға таянган ҳоллақрида ҳам материалистик фан энг юксак ғояларни, айниқса ахлокий, инсонпарварлик маънавий қадриятларни назардан соқит қилгани учун чекланганича қолаверади.

манзараси шаклланди. XVIII—XIX асрларга келиб эса олимларга бу билимларга асосланиб ижобий билим биносини тиклаб бўлмайдиган кўринди. Дарвин эволюцион назариясининг яратилиши, термодинамика ва электромагнетизм назариясининг шаклланиши ва Пастернинг кашфиётлари бу фикрлар хатолигини кўрсатди. Лекин, XIX аср охирларига келиб Майкельсон – Морли тажрибалари, айниқса XX асрда нисбийлик назарияси ва квант механикасининг вужудга келиши яна кризис кайфиятларига олиб келган эди. Айни шу фанлар бизнинг асрларимиз индустриал цивилизациясининг технологик қиёфасини белгилаган эди.

Рус файласуфи Л.В. Лесковнинг¹ фикрига кўра ҳам ҳозирги давр фани кризис даврига кирган. Унинг тушунтиришича, бу кризисларнинг уч белгиси бор. Улардан биринчиси фан тараққиётининг тарихидан кўринади. Яъни, қачон олимлар илмий билим ўз тараққиётининг юксак маррасига етди, деган хулосага келганларида ҳамиша кризис содир бўлади. Яқинда эса таниқли олимлардан бири, Кембриж университети профессори С.Хокинг яқин 20 йил ичида физика фани яқунланишини эълон қилиб, шу биринчи белги борлигини кўрсатди. Кризиснинг иккинчи, муҳим белгиси бор – бу мавжуд илмий тасаввурлар (парадигма) доирасида туриб билиб бўлмайдиган ходисаларнинг намоён бўлиши. Масалан, полтргейст, телепатия каби ходисалар шулар жумласидан. Учинчи белги, бу фалсафий изланишларнинг фаоллашувида намоён бўлади ва у илмий методология ожизлик қила бошлаган даврларда юзага чиқиши табиий.

Умуман, асл мутафаккирлар, масалан, немис файласуфи И.Кант фан эндигона гуллаб яшнай бошлаган даврдаёқ унинг “уфқлари торлигини”, яъни юксак эзгу мақсадларни кўзлай олмаслигини ва инсон сезги органлари каби, назарий тафаккур имкониятлари ҳам чекланганини, кўра олган ва бу борада ақлнинг танқидига бағишланган учта йирик асарини ёзган эди. Мазкур асарларида Кант фаннинг фалсафадан ажралиб, мустақил мавжуд бўлиши мумкин эмаслиги, акс ҳолда у (борлиққа кенг ва чуқур фалсафий қарашдан маҳрум бўлиб) “бир кўзли циклопга айланиши” мумкинлиги, “фалсафа эса ҳикмат кўзи бўлиб, у ақлни инсоннинг ўзини билишга қаратиши”, “билимнинг қадри эса унинг ахлоқийликка йўналгани билан белгиланиши кераклиги” каби фикрларни олдинга сурган эди. Унинг кейинги фикри технократия ҳукмрон кучга айланган ҳозирги шароитда айниқса диққатга сазовор. Зеро, айнан технократия ахлоқийлик мезонлари иштирок этмайдиган ҳозирги ижимоий тизимларини (жамиятни эмас, айнан мавҳум тизимларни) вужудга келтирди. С.Кара-Мурзанинг аниқ фикр юритишича, “Технократизм – жамиятни «этикадан мустақил тизим» деб қараш – бу ниқоб.”² Тизим сифатида таҳлил бошланган заҳоти гап жамият ҳақида кетмайди, фақат тизим муаммоларигина қолади, дейди немис сиёсатшуноси В.Нарр ҳам. Айни пайида И.Кант чин маънодаги илм бўлган фалсафа ёки

¹ Лесков Л.В. ФИЛОСОФИЯ НЕСТАБИЛЬНОСТИ. Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №3, 2001. 40-61-б.

² Кара-Мурза С. Концепция "золотого миллиарда" и Новый мировой порядок.// <http://burkina-faso.narod.ru/kara/oro 2.htm>

метафизика¹ тафаккур фаолиятдан анча юксак ижодий қобилият самараси эканини , лекин ўтмишда у догмалашиб кетгани ва шунинг учун фан (назарий тафаккур) тараққиёти билан боғланадиган янги метафизикани (неометафизикани) яратиш кераклигини тушуниб етган ва шу юксак вазифани ўз олдига қўйган эди. Лекин у бу мақсадни амалга ошира олмаган эди. Шундан буён чин маънодаги фалсафага - ҳикматга бўлган эҳтиёж вужудга келган ва ҳозирги кунда бу айниқса кучли сезилади.

Метафизикадан мустақил бўлган фан яратган кашфиётлар амалиётга қандай қўллангани химиявий ва бактериологик қуролларнинг яратилиши ва одамлар устидан қилинган экспериментлар мисолида кўринади. Бу хусусда интернет-сайтда Ж.Кетчамнинг “Химиявий қурол: деярли унутилган сирлар” номли китоби ҳам чиққан. Унда икки минг харбий хизматчи устида ўтказилган экспериментлар ҳақида ҳикоя қилинган. Бундан ташқари, интернетда 2004 й. январидида АҚШ харбий-хаво кучлари вакилларининг ўн мингдан ортиқ учувчи-ветеранларнинг 1966 й. Вьетнамдаги урушда самолётдан Agent Orange номли дефолянтни Жанубий Вьетнам ўрмонлари устидан сочганлари натижасида онкологик касаллик орттирганлари эълон қилинган. Вьетнамдан олинган хабарларга кўра ўша дефолянт туфайли 1 млн.га яқин вьетнамлик турли хил рак касаллиги, диабет ва бошқа касалликка йўлиққан. В 1996 й. Конгресснинг сиқуви остида АҚШ Харбий Мудофаа Вазирлиги 1991 й. “Чўлдаги бўрон” операциясида 20 млн.дан ортиқ Америка харбий хизматчилари химиявий қурол таъсиридан зарар кўрган “бўлиши мумкин”лига иқроор бўлган эди. Ундан олдинроқ АҚШ 60-70 йилларда минглаб америка харбийлари устидан биологик ва химиявий қуролни синаб кўрганлари ҳақидаги маъруза эълон қилинган эди. 1970 йилларда АҚШ харбийлари тинч аҳоли ва харбий хизматдагилар устида ўзлари беҳабар ҳолда бир неча юз марта химиявий ва биологик агентларни кўллаб эксперимент қилиб қилганларини бўйинларига олганлар. 1950 й. Сан-Франциско бандаргоҳи яқинидан ўтаётган харбий кемадан сибир язваси споралари каби таъсирга эга бўлган бактериялар солинган аэрозоль сочилган. Уч кун ўтгач шаҳар шифохоналарига пневмония ва шамоллаш билгилари билан келганлар. Айни шу каби синовлар СССР томонидан солдатлар ва қамоқдагилар устидан ўтказилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Исроилда ҳам шу каби синовлар ўтказилгани ҳақида маълумотлар бор.

Эндиликда олимларнинг ахлоқийлик ва метафизик ҳикмат тизгини билан жиловлаб олинмаган тафаккури инсоният бошига яна қандай савдолар солиши ҳали номаълум бўлган янги ихтиро ва технологияларни яратиш иштиёқи билан ёнишда давом этди ва этмоқда. Масалан, фан ва техниканинг энг янги соҳалари бўлган нанотехнологиялар, машина интелекти, генетик медицина кабилар эндиликда кўпчилик фан арбобларини ҳам жиддий ҳавотирга солмоқда.

¹ Метафизика ҳақида қаранг: Ш.Б.Қаҳҳорова. Метафизика таълимот ва услуб сифатида.// Фалсафа ва ҳуқук. 2004.№ 1.

Оксфорд университети директори Ник Бостром бу ҳақида шундай дейди: “Технологик прогресснинг тезлашуви туфайли инсоният ҳозир ўз тараққиётининг кескин бурилиш нуқтасга катта тезлик билан яқинлашиб бораётган бўлишининг эҳтимол катта. Инсониятга яхши таниш бўлиб қолган ядровий хавф ёнига эндиликда нанотизимлар ва машина интеллекти каби соҳаларда жадал ривожлана бошлаган технологияларнинг мисли кўрилмаган имкониятлари ва хатарлари келиб қўшилмоқда. Бизнинг келажагимиз, агар у бўладиган бўлса, бизнинг ана шу жараёнларга нисбатан муносабатимизга боғлиқ. Биз жадал ривожланаётган технологияларга боғлиқ эканмиз, инсоният жамиятдан “пост-инсоният” (ноинсоний) жамиятга ўтиш динамикасини яхши англаб етишимиз керак. Айниқса тузоқлар қаерда жойлашганини: муқаррар ўлимга олиб бориши мумкин бўлган йўлни пайқашимиз керак.”¹ Бу эса **илмий дунёқараш кризисининг** намоён бўлишидир. Ваҳоланки, бу кризис, юқорида ҳам айтганимиздай, фаннинг фақат умумий асосларинигина эмас, балки унинг барча соҳаларини қамраб олган. Физикадаги кризисни ночизиқли тафаккурга асосланган янги, синергетик парадигма туфайли ҳозирча жон сақлаб тургандай. У ҳам бўлса, синергетиканинг кўп хулосалари фаннинг эмас, кўпроқ Шарқ ҳикматлари билан боғланиб кетаётгани учундир.²

Аммо, шунга қарамай, ҳозирги давр пешқадам олимлари ҳамон фан олий ҳикматлардан мустақил равишда инсониятни “қиёмат хавфидан” қутқара олади деган хом хаёлларга бормоқдалар. Масалан, С.Хокингнинг фикрига кўра ген инженерияси инсоният сифатини ўзгартира оладиган бўлиши барча муаммоларни ҳал қила олади. Аммо инсоният ўз генетик тараққиёти истиқболини генетиклар кўлига топширишининг маънавий, ахлоқий, фалсафий, диний ва б. жиҳатлари билан унинг иши йўқ. Фан кризиси унинг ижтимоий соҳаларда айниқса кучли намоён бўлмоқда. Бу кризис аввало фаннинг ахлоқий қадриятлардан буткул бегоналашиб, мафкурага яширин хизмат қилувчи, технократик, тор индивидуластик позитивистик методологияга таянишининг оқибатидир. Бу, масалан, Рим клубидай обрўли халқаро ташкилот минбарида туриб қилинган докладларнинг мазмунида ҳам яққол намоён бўлади.³

Умуман олганда, нафақат фан, балки **илмий** фалсафа ҳам эндиликда ижтимоий тараққиёт муаммоларини тушунишга қодир эмаслигини тан олди. Биз бунга юқорида Ғарб футурологлариининг энди ўз цивилизацияларининг келажаги қандай бўлишини башорат қила олмай қолганлари” ҳақидаги У.Дейзард⁴ фикри мисолида тўхталган эдик. Чиндан ҳам, ижтимоий фалсафа

¹ Ник Бостром - Ph.D., is Director of Oxford University's new Future of Humanity Institute. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. //2007. // <http://spkurdyumov.narod.ru/Philos.htm>. Mail to: succeder@list.ru

² Қаҳхорова Ш.Б.. Шарқ фалсафасининг жозибadorлиги.// Тошкент ислом университети.Илмий-таҳлилий ахборот. 2006/2, 24-27- б.

³ Кара-Мурза С. Концепция "золотого миллиарда" и Новый мировой порядок.// <http://burkina-faso.narod.ru/kara/oro 2.htm>

⁴ Дайзард У. Наступление информационного века.// Новая технократическая волна на Западе. М.: Прогресс. 1986.

бўйича изланишлар олиб бораётган файласуфларнинг тан олишларича, ҳозир кечаётган глобал эволюцион кризис шароитида биз яшаётган тарихий даврнинг ўзига хослигини шу вақтга қадар тарих фалсафасида, социологияда, политологияда, иқтисодиёт назариясида ва б.ларда қўллаб келинган бирон бир структуравий тип – цивилизация, формация, модернизация кабилар - орқали тушуниб бўлмай қолди. Шунинг учун ҳозирги жамиятшунослар, иқтисодиётчилар давр талабидан орқада қолаётганлари ҳақидаги фикрларни билдирмоқдалар.¹ Бу ажабланарли ҳол эмас, чунки глобаллашув ва глобал кризислар муносабати кишилиқ жамиятида аввалги тартибланганлик ҳам тобора йўқолиб, хаос ҳолати кучайиб бормоқда, бифуркация ҳолатлари авж олмоқда. Бифуркация нуқтаси атрофида эса одатда фақат тасодифият ҳукмронлик қилади. Масалан, СССРдай қатъий тоталитар тартибланган жамият бунчалиқ осон парчаланишини кўпчилиқ кутмаган ҳам эди. Жамиятларни типлаштириш, шундай типлаш орқали уларни кузатиш, оқилона таҳлил этиш, ўрганиш, мантиқий хулосалар чиқариш, тараққиёт қонунларини аниқлаш кабилар эса уларда муайян тартибланганлик, барқарорлик мавжуд шароитдагина татбиқ этилиши мумкин.

Бундан жамият ҳаётида тарихийлик йўқ, унинг келажагини башорат қилиш мумкин эмас деган хулосалар келиб чиқади. Бундай нуқтаи назарлар, масалан, С.Н. Булгаков, К. Поппер, Г. Риккерт ва бошқалар томонидан олдинга сурилган. Улар ўз қарашларини турлича ёндошувларда асослашга интилганлар: тарихий жараённинг энг муҳим аспектларини аниқлаш мумкин эмаслиги, тарихда шахснинг ғавқулоддаги ролини башорат қилиш мумкин эмаслиги, кутилмаган илмий кашфиётларнинг таъсири ва ҳ.к. Бугунги кунда булар қаторига эволюциянинг глобал кризиси фактори келиб қўшилиб масаланинг мушкуллигини бекиёс орттирди. Шунинг учун ҳозирги даврда, Х.Ортега-и-Гассет² айтганидай, эртага дунёда ким, қандай мафкура, қандай яшаш қонун-қоидалари ҳукмронлик қилишини нафақат бирқанча ўн йил, балки бирнеча йил, ҳатто бирнеча ой, ҳафта, кундан олдин ҳам айтиб бериш қийин. Рус файласуфи Л.В.Лесков эса унинг бу гапига “фақат бир гапни: агар ҳозирги кризисдан чиқишнинг яхши йўли топилмаса, ХХI асрда глобал Армагеддон (Қиёмат) бўлиши муқаррар, деган гапни қўшиш мумкин ҳолос,”³ –деган пессимистик хулосага келади.

Шундай қилиб, биз фанинг ўзи кризис ҳолатида бўлгани учун ҳозирги давр глобал муаммоларини ечишга, шунингдек, инсоният дунёқарашини инсонпарварлаштиришга қодир эмас деган хулосага келамиз. Зеро у ўзининг бутун тараққиёти мобайнида ахлоқий мезонлардан жуда узоқлашиб кетганини, мафкурага яширин хизмат қилишга мойиллигини (нобъективлигини) ва чекланганлигини (руҳият, ғоявийликни инкор этишини) намоён этди. Шунинг учун у борлиқни, табиатни реал ва тўлиқ

¹ Осипов Ю.М. Теория хозяйства. Т. 3. М., 1998; Львов Д.С. У экономики России есть будущее // Обозреватель. 1999. № 3. 8—11 б.

² Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс. Избранные труды. М., 1997.

³ Лесков Л.В. Философия нестабильности.// Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №3, 2001. 40-61- б.

кўриш, тушуниш ва инсоният эволюциясига тўғри йўл кўрсатиш вазифасини бажара олмайди. Боз устига ҳозирги давр информация оқимининг шиддатини, компьютер технологиялари туфайли тафаккур қобилятининг заифлашиб бораётганини, воқеликни реал билишга халал берадиган фикрга ихтиёрий ёки беихтиёр киритилган назарий қолиплар, конструкциялар, моделлар, образлар, схемалар ва бошқа “чиқиндилар” кўпайиб кетганини ва бошқа шу каби факторларни ҳам ҳисобга олиш керак.¹ Масалан, умуман тизимни эмас, балки жонли жамиятни билишга интилиш ҳам керак. Бир сўз билан айтганда, инсониятга яроқли бўлиш учун **фан** ўз кризисидан чиқиши, трансформацияланиши (ўзгартириши керак).²

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳозирги давр умумбашарий (глобал) муаммоларини нафақат фан, илмий дунёқараш доирасида, балки чекланган илмий фалсафий дунёқараш доирасида ҳам ечиб бўлмаслигини, бу борада **жуда кенг ва чуқур таълимотларни жалб этиш зарурати** пишиб етилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2. Фалсафий билимлар ривожда эзотеристик концепцияларнинг ўрни

«Ҳозир мавжуд фанлар янги кашфиётлар қилиш учун фойдасиз бўлганидек, мантиқ ҳам билимларни кашф қилиш учун фойдасиздир». Умумпланетар миқёсда фаннинг ролини камситиш хатодир, бироқ айрим олган ҳудуд, давлат, юрт миқёсида унинг бенаф машғулоти эканини пайқаш ва исботлаш қийин эмас. Шу нуқтаи назардан Ф.Бэконнинг танқидига қўшилмай чора йўк: “Ҳозир қўлланилаётган мантиқ ҳақиқатни излашдан кўра, умумий тушунчаларга асосланган хатоларни асрашга ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун унинг фойдасидан кўра зарари кўпроқдир”.

Эзотерик илм Миср кохинларидан тортиб то сўфизмга қадар иложи борица сир сақлашга ҳаракат қилиб келинган илмдир. Шунинг учун у тасаввуфда илми асрор деб ҳам аталган. Унинг сирли экани фақат тушунарсизлиги туфайли эмас, балки атайлаб яширин сақланишида ҳамдир. Кейинги ҳол “Тўшни катта одамлар ейди, чақалоқлар эса сут ичиши керак” қабилидаги қоидага ҳам амал қилинган туфайли экани тушунтирилади. Иброҳим Ҳаққул ҳам шу фикрни ёқларкан, “Имом Ғаззолий оддий одамларнинг тасаввуф илми билан машғул бўлишлари зарар келтириши ҳақида сўзлаганлар,”³ дейди.

Лекин эзотерик илмни сир сафланишининг учинчи сабаби ҳам бор. Бу сирни билганларни бошқа одамлар тушунмай, куфрда айблашлари

¹ Эмих. Н.А. Культурная парадигма современного Российского образования // Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.ф.н. Чита. 2006. 8- 9- б.

² Беляев М.И. Мелогия. Концепция русского национальноо государства. Москва:2006.www.milogiya2007.ru/rusnaz1.htm

³ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок.Т. “Маънавият”. 1998.Б. 77.

мумкинлигидир. Бу эса ўз даврида жуда хавфли ва фожиавий ҳол эди. Шунинг назарда тутаркан, масалан, Бобораҳим Машраб бу ҳақида ўзига қарата

Машрабо, ҳар бир сўзинг гавҳари қимматбаҳо.
Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик била –

деганлари бежиз эмас эди.

Умар Ҳайём ҳам бу борада “ҳақиқатни яширин сақладим, чунки гумроҳлар жуда кўп.”- дегани, Исо пайғамбар эса ўз шогирдларига “чўчкалар олдида дур сочманг,”- деб буюрганлари маълум.

Эзотерик илм сир сақланганининг яна бир тўртинчи сабаби бу унинг индивидуал, интим характерга эга эканидир. Агар бу илмдан бизга бирон қисми баён этилса, билиш керакки, бу ўша зотнинг буюк саховатидандир. Зеро бу илм кўп ҳолларда айрим, “танланган” шахсга, унинг субъектив, ички кечинмасида ва фақат унга тегишли тухфа сифатида берилган бўлади. “Танланганлик”нинг маъноси шундаки, муайян шахсга муайян даврда муайян хабарни оммага етказиш учун пайғамбарлик тақдир қилинган бўлса, бошқа шахслар бундай билим ва мартабага ўзларининг катта риёзатлари натижасида **ўзликни таниш орқали** муяссар бўладилар.

Ўзликни танишга даъват эса камида **икки минг йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд**. Инсоннинг энг дахлсиз ва **асосий ҳуқуқи** ҳам, **яшашдан мақсади** ҳам шунда. Ҳозирги оқилликнинг энг катта фожиаси эса аслида шу ўзликни билишдан четлашувда. Яъни Бутун Коинотни билишга даъво қилиб чиққан ақлининг, ўзлигини билишга етмаётганидир. Ваҳоланки, ўзлигини билган инсон аввало Худони, яъни бутун борлиқнинг моҳиятини билади. Моҳиятни билган инсон эса ҳамма нарсани билади. Чунки, ҳамма ҳикматларда кўрсатилишича, инсон бутун борлиқнинг моделидир (микрокосмос). Шунинг учун атроф олами эмас, ўзликни ўрганиш зарур. Зеро, Румий ҳазратлари аниқ кўрсатганларидай,

Нарса йўқдир хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.

Ёки,

Аё, сиз, жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,
Ани излашга хожат йўқ, илоҳий Сиз, илоҳий Сиз...

Бу оташин мисраларда узоқлардан эмас ўз қалбимиздан Худони излаб топа олишимиз ҳақида, тўғрироғи, излаш ҳам керак эмас, уни билиш, сезиш, ҳис этиш, тан олиш, севиш ҳақида гап кетяпти. Ваҳоланки ўз қалбимиздаги Худо бизнинг ўзлигимиз, ўзимизнинг соф моҳиятимиздир.

Эзотеризмда ўзликни топиш йўли, илгарироқ ҳам бошқа масалалар муносабати билан тўхталиб ўтганимиздай, очиқ кўрсатилган. Унда тушунтирилишича, инсоннинг туб моҳияти (унинг аслий “Мен”и) унинг Олти қават вужуди ичига, худди ёнғоқ мағзини ўраб турган пўстлар каби ёки рус матрешкалари каби қават-қават ўраб олинган (етти қават парда ичидаги сир

дейиш ҳам мумкин). Демак, шу матрешкаларни (пардаларни) энг ташқи, устки, моддий қаватидан бошлаб навбати билан олиб ташлаб борсак, энг охирида мағизни, моҳиятни, яъни ташқи таъсирлардан соф бўлган ўзлигимизни топамиз. Бунини тасаввур этиш учун тасаввуфда бу жараён қандай амалга оширилиши ҳақидаги илгари ҳам айтганларимизга таяниш кифоя.

Биринчи энг қаттиқ пўст (ёки парда) бу моддий вужудимиз, унинг ташқи дунё таъсирлари билан боғлиқ эҳтиёжлари. Очкўзлик, хирс (шаҳвоний хоҳиш-истаклар), лоқайдлик, дангасалик, жаҳолат, ғийбат, хусумат, кибр, ҳасад, ҳуллас вужудимиз учунгина керак бўлган интилишларимиз (нафси аммора). Ўзликка этиш учун аввало шу қаттиқ қобиқ зиндонидан қутулиш керак. Лекин, бунда гап уни жисмонан йўқ қилиш ҳақида кетмаяпти, балки фақат унинг энг зарурий эҳтиёжларинигина қондириб, ундан ортигини чегаралаб қўйиш ҳақида кетяпти.

Иккинчи пўстимиз ўз қийинчиликларимиз сабабини бировдан кўриш, мурасасизлик, ёлғончилик, тухматчилик, шуҳратпараслик, амалпарастлик, таъмагирлик, бошқаларга танбеҳ назари билан қараш кабилардан ташкил топади. (Бундай нафс тасаввуфда ялтироқ нафс, яъни “нафси лаввома” деб аталган эди.) Агар киши шу нафс иллатларидан қутулса, унинг соф моҳияти иккинчи қобиқдан ҳам ҳалос бўлади.

Шу ўринда инсонни ўзининг соф моҳиятидан тўсиб қўйган юқоридаги икки парда нафақат Шарқда, балки кўплаб Ғарб ёзувчилари ва шоирларининг асарларида ҳам танқид объекти бўлиб келганини эслаб ўтиш жоиз. Машҳур франсуз адиби Оноре де-Бальзакнинг “Саҳтиён тери” номли асари бу борада айниқса яхши мисол бўла олади. Унда ёзувчи саҳтиён тери мажозида инсоннинг моддий эҳтиёжлари билан боғлиқ орзу ҳавасларининг инсон умрини аста-секин кемириб боровчи маънавий инқироз кучи эканини жуда яхши очиб берган. Буюк рус шоири А. Пушкиннинг “Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртак” номли машҳур эртагидаги кампир ҳам айтиш киши шу кучнинг тўймас интилишларини қондириб бўлмаслиги очиб берилган мажозий ривоятдир.

Ўзликни билишга олиб борадиган йўлнинг **учинчи** босқичида кишида тақдирга тан бериш, сабр қилиш, шукур қилиш сифатлари (нафси мутмаина)намоён бўлади. Яъни бунда инсон ўзининг учинчи, яъни, тақдирдан кўрқиб, бесабрлик, ношукурлик кабилардан ташкил топган пўстидан ҳам ҳалос бўлади.

Тўртинчи босқичда саҳоватпеша, ширинсўз, итоатгўй, қаноатли, тоат ибодатли, софдил инсон намоён бўлади. (Бу нафси мулҳама, яъни илҳомланган нафс босқичидир). Тасаввуф таълимотида ўз руҳий тараққиётида айтиш киши шу босқичга етган инсон Худонинг шарофатига сазовор бўлади деб ҳисобланади.

Шу босқичга қадар кечган жараёни онтологик жиҳатдан ҳам тасаввур этиш мумкин. Бу масалани тўлароқ ва чуқурроқ тушуниш имконини беради. Бунинг учун ҳинд фалсафасининг **гуналар** ҳақидаги ғояларини яна бир бор эсга олиш керак. Илгари ҳам айтганимиздай, ушбу таълимотга кўра инсон танаси (умуман, материя) саттва гуна, ражас гуна ва тамас гуна деб аталган **уч хил субстанция-қувватдан** ташкил топган. Булардан биринчиси, яъни саттва гуна инсондаги ижобий, ёруғ туйғуларнинг (кўнгил хушлиги, хотиржамлик, хушчақчақлик кабиларнинг) асосини ташкил этади. Ражас гуна инсон иродавий,

фаол интилиш ва ҳаракатлар ва улар туфайли юзага келадиган туйғулар (уқубат, хавфу-хатарлар, эҳтирос кабилар) асосида ётади. Тамас гуна эса инсон вужудидаги нофаол, салбий асос бўлиб, у лоқайдлик, бефарқлик, жаҳолат, турғунлик (тепса тебранмаслик), ноаниқлик (хиралик), қоронғулик кабиларни ташкил этади.

Турли одамлар вужудида бу қувватлар турли пропорцияда тақсимланган деб қаралади. Ҳозирги психология буларни темперамент типлари деб атайди. Лекин психология уларни юзаки характерлаш билан чекланади, келиб чиқиш сабаблари, моҳиятини чуқур билишга ҳозирча эришмаган. Шунинг учун у киши ўз темперамент типини ўзгартириши мумкинлигини инкор этади. Ваҳоланки, эзотерик таълимотларда инсондаги ана шу қувватларни трансформациялаш, уларни ижобий қувватларга айлантириш борасида кўп асрлар мобайнида самарали ишлар олиб борилган.

Донишмандлик ва муҳаббат – фалсафанинг икки асосий жиҳатидир. Биз ўтмиш мафқураси даврида Европа фалсафаси Юнон–Рим цивилизациясидан бошланган деб ишониб келдик. Токи, XIX асрга келиб О.Шпенглер “Европа ҳалокати” асарини ёзса ҳамки, бутун Европанинг ўзи қадимги юнон цивилизацияси, маданиятидан олдин ҳам кўплаб буюк цивилизациялар мавжуд бўлганини тан олинаётган ва ҳозирги давр олимлари ҳам олдинги цивилизация қолдиқларидан излаб топиб бораётган ва Платоннинг “Атлантида” ҳақидаги ҳикояси фантазия эмаслиги маълум бўлса ҳамки, ҳамон фалсафа тарихни юнон цивилизациясидан бошлаш ҳоллари кўп учрайди. Ваҳоланки, немис фалсафа тарихчиси О.Шпенглердан (1880-1936) олдинроқ яшаган эзотеризм намоёнчаси Е.П. Блаватская (1831-1891) шундай ёзган эди: “Цивилизация мавжуд бўлган деб ҳисобланадиган ҳар бир қадимги мамлакатда донишмандлик деб аталадиган билим тизими, эзотерик доктриналардагина мавжуд бўлган...”.

Болқон ярим оролига Ҳиндистондан келган Орфей таълимоти ерда шаклланган ва ривожланган кўп фалсафий мактаблар учун манба бўлган экан. Янгиплатончи Плотин (204-270)нинг устози, иккинчи асрда яшаб ўтган Аммоний Сакснинг фикрига кўра, донишмандлик динининг сирли таълимоти Гермес китобида тўлалигича бор. Пифагор ва Платон ўз билимларини ўша китобдан олганлар. Бу таълимот эса Шарқ донишмандлиги билан айнан бирдир. Донишмандликнинг табиати ва қадимийлиги тасаввуф машҳур шайхларидан бири Сухравардий томонидан шундай очилади. Унинг тушунтиришига кўра: «Тўлиқ (чуқур) ва ҳақиқий билим бўлган ишроқ (Нурланиш) нафсни тийиш ва зикр орқали эришиладиган билим бўлиб, қадимги юнонлар бу билимни Худонинг (Зевснинг) ўғли деб ҳисоблаганлар. Хермес осмондан олган ва бу билим юнон, араб ва Эрон донишмандлари бир–бирларидан олиб турган билимнинг ўзидир. Шундай қилиб, эзотерик (сирли, мистик, осмондан олинadиган) билим сифатида илоҳий ҳикматнинг тарихи жуда қадимийдир. Унинг манбаи илоҳиётнинг ўзига бориб тақалади. Шунинг учун уни мана бу даврда вужудга келди деб кўрсатиш қийин. Лекин, инсон ваҳиятга эришгандан буён бу илм бор дейиш мумкин. Ваҳийлик эса Одам Атодан Муҳаммад с.а.в.гача мавжуд бўлиб келган.

Қадимги юнон фалсафасининг эзотерик аспекти “Хусусий метафизикада” (Аристотел) ўз фалсафасидан топган бу “теология” эди. Кейинчалик Платон диалогларида, айниқса “Театет”да ва неоплатонизмнинг борлиқ ҳақидаги таълимотида ва бошқаларда ҳам бу ҳол намоён бўлади. Фалсафа тарихида “Христиан неоплатонизми”, “ислом неоплатонизми” тушунчаларининг келиб чиқиши шу фикрни тасдиқлайди. Бу тушунчалар бир томондан, эзотерик фалсафий таълимотнинг толерантлигидан, иккинчи томондан, буюк диннинг ўзаро боғланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, “Пифагорчилар ҳаёти”га бағишланган Ямвлих ҳикоясида ҳам айтиладики, «Пифагор таълимотининг жуда сир тутилгани кишиларни хайратга солади: бир қанча авлодлар ҳаётдан ўтдилар ҳамки, таълимот ёт кишилар қўлига тушмади. Фақатгина Филолай жуда қашшоқлашиб қолиб, пифагорчиларлар китобларидан учтасини Платон илтимосига кўра 100 минга сотган эди. Филолайнинг ўзи пифагорчилардан бўлганлиги учун унда бу китоб бор бўлган”.

Шундай қилиб, ўзларининг эзотерик (олий) чўққиларида дин ва фалсафа айна бирдирлар. Шундай экан, маънавий маданият мазмунида уларнинг қай бири устун деган саволни қўйиш ёки бирини иккинчисидан муҳимроқ, асосийроқ деб ҳисоблаш ноўрин. Ваҳоланки, шундай қилувчилар ҳамиша бўлган. Лекин бундай қарашларни чуқурроқ таҳлил этилса, бундай қарама-қаршилик йўқлигини кўриш мумкин.

Чинакам санъат ҳам эзотерик илм каби трансцендентал ходисадир. Яъни, “ҳол”нинг натижасидир. Лекин кейинги даврда “ҳол”га мутлақо алоқаси бўлмаган ишларни ҳам санъат деб аталадиган бўлди. Шунинг учун бу масалага аниқлик киритиш керак.

Қадимги юнон мифологиясида мусиқа асбобини ихтиро этган, созанда, шоир ва ашулачи, аргонавтлар юришларининг қатнашчиси, Худоларни мафтун этган ва табиат ёввойи кучларини бўйсундирган Орфей ҳақида ҳикоя қилинган. Шундай образлар барча халқларда бор. Довуд с.а.в. ҳамду саноларига йиртқич ҳайвонлар қандай сармаст бўлганлари ҳақидаги ривоятлар бор. Мажнун Лайли ишқида хониш қилганида ёввойи ҳайвонлар ошиқнинг оёғи остида ўтирганини тасвирлаган расмлар ҳам бежиз эмас. Ҳозирги давр олимлари эса мусиқанинг ўсимликларга ҳам таъсирини аниқлаганлар.

Жаҳон адабиёти классиги Стендаль: “Мусиқа – инсон қалби туб-тубига кириб боришга ва ундаги кечинмаларни ифодалашга қодир бўлган яккаю ягона санъатдир”, деган бўлса, Ж.Румий: “Дунёда ҳеч нарса мусиқа ва рақс янглиғ инсон руҳининг яширин қувватларини ошқор этолмас, мусиқачалик турмуш ташвишларидан халос этиб, ўз руҳий олами сари бошлай олмас. Мусиқа хотин кишига ўхшайди. Уни

чўри деб истифода этаркансан, ўзингда инсонни ухлатиб, ҳайвонни уйғотурсан”.

А.Р.Беруний шеър шаклида берилган билим яхши ўзлаштирилиши, хотирада яхши қолишига эътибор қаратиб, “Рух тартиблаштириган нарсаларни яхши қабуллайди”, “Вазн, қофиялар, ритм-буларнинг ҳаммаси асосида эса шоирнинг эзгуликни, Худони севиши ётади”, деган бўлса, француз ёзувчиси Бальзак эса “Ёзувчи бутун коинотни бир сўзда, бутун фалсафий таълимотни бир образда ифодалай олиши керак”, деган эди.

Қолаверса, муқаддас китоб “Қуръон” жуда нафис поэтик шаклда ифодаланган. Шунингдек, Шарқнинг дунёга машхур мутафаккирларининг аксарияти, масалан, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Бедил, Ҳофиз, Саъдий, Умар Хайём, Яссавий, Машраб ва бошқалар ўз фалсафий ғояларининг нафис шеърлар орқали ифодалаганлар. Гёте “Шарқда 7 та ёрқин юлдуз бор, мен улардан энг кичигининг бир заррачасидай ҳам эмасман”, деганида айни шундай буюк санъатни назарда тутган.

Иккинчи томондан қараганда, ўз фалсафий ғояларини бадиий ижодда акс эттирган Ғарб бадиий ижод соҳиблари ҳам кам эмас. Масалан, Данте, Шекспир, Леонардо да Винчи, В.Гюго, О.Бальзак; Россияда Пушкин, Толстой, Дидро, Достоевский, Чехов, Герцен. Қадимги юнон фалсафисида бу ҳол кенг намоён бўлган: Гомер, Орфей, Эсхил, Сафокл, Эзоп, Верди, Чайковский, Моцарт ва бошқалар.

Ҳозирги дарда Ғарб экзистенциалистик фалсафиси ғоялари А.Камю, Ф.Кафка ва бошқаларнинг бадиий ижоди шаклида намоён бўлмоқда. Айни шу гапларни рассомлик, меъморчилик, графика, мусиқа ҳақида ҳам айтиш мумкин. Нафис санъатнинг бу қадар буюк кучга эгалигини рус ёзувчиси Ф.Достоевский “Дунёни гўзаллик қутқаради” деганида ана шундай пок туйғуларни назарда тутган эди.

Инсон қалбини поклашдаги мусиқанинг аҳамияти ҳам бундан қолишмайди. Агар назм билан қўшилса, у янада буюк кучга айтилади. Гейне Шарқнинг буюк юлдузлари дея улуғланган шоирларидан бири Алишер Навоийнинг бош қаҳрамони Ошиқ инсон экани ҳам бежиз эмас. Зеро, Навоийнинг, уқтиришича айнан ишқ инсон қалбини булғанишлардан, зангдан тозалайди ва Худонинг борлигини хис этишга олиб келади.

Тасаввуф таълимотида рамз, мажозлар айниқса кўп ишлатилади, бу бежиз эмас. Чунки, юксак хис-туйғуларни оддий сўз билан ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун шоир тимсоллардан, қиёслардан, рамзлардан фойдаланади. Умуман, мифологик дунёқараш мажозий бўлиб, бу мурғак инсониятнинг ҳали етарли шаклланмаган онгига буюк илоҳий ҳақиқатни ҳам туйғу, ҳам рамзий ифодалар воситасида етказиш санъати

эди. Мифдан Логосга рамзларда ифодаланган туйғулардан рационал онгга ўтиш жараёни эса руҳан анча тубан тушиш эди. Лекин, илгари кўргамиздай, бу “тушиш” ҳам керак эди.

Мистик «Ҳол»атда нозил бўлган, буюк санъат завқу-шавқи осмонига (жаннатга) кўтарилган инсонни моддий дунё ташвишларига қайтиши оғир. Шунинг учун ҳам Ш.А.Ғхош тўғри айтганидек Шарқда руҳият осмонларига, таркидунёчилик (аскетизм) кучли бўлган, Ғарбда эса аксинча, рационал тафаккур, ташқи билимлар, ташқи оламни, табиатни ўрганиш, ўзлаштириш, хаттоки, уни ўзига бўйсундириш майли кучли бўлган. Ва, албатта, буларнинг ҳар иккисида ҳам муайян маънода, бирёқламалик, яъни бир нарсадан кечиб, бошқа нарсага интилиш мавжуд. Мавлавий айтганидек, :

Шарқ Ҳақни топди дунёдан кечиб,

Ғарб дунё топди Оллоҳдан кечиб.

Ваҳоланки, пайғамбар Муҳаммад с.а.в. айтганларидек, “Бу дунёни деб у дунёдан, у дунёни деб бу дунёдан воз кечмаслик керак” ва Исо а.с. айтганларидай, айнан шу дунёда “Ерда Илоҳ салтанатини тикламоқ керак” ва А.Ғхош айтганидай инсон ўзлигини билиш орқали ҳам у дунёда , ҳам бу дунёда мавжуд бўла оладиган комилликка эришуви керак. Бу эса инсониятни тубан ҳолда яшайдиган шарт-шароитларини ўзгартирадиган, «ҳол»га қадар босиб ўтилиши керак бўлган тайёргарлик, яъни «қоралама» ишларни ҳам бўлишини тақозо этади. Бу “қоралама” иш рационал тафаккур, назарий илм ва кундалик амалий фаолият зиммасидадир. Бу ишда энг юқори поғонада рационал фалсафа туриши мумкин. Кейин эса проза, экзистенциал асарлар майдонга чиқади.

Эндиликда, рационал тафаккур ўз тарихий миссиясини бажарди. Маънавиятнинг барча соҳалари, хатто санъат ҳам муайян даражада рационаллашди. Энг кулгилиси шундаки, темирдан, симдан ва бошқа нарсалардан ясалган жонсиз машиналарга мусиқа, шеър ёзиш, болаларга энагалик қилиш, мана ҳозир талабалар билимини баҳолаш ишларини бажариш вазифалари юклатилипти. Бир томондан қараганда бу машиналар инсон интеллектуал қобилияти эришмаган ҳайратланарли “ишчанлик”ни марраларни намойиш этяпти. Иккинчи томондан эса машина ҳеч қачон қалбнинг ўрнини боса олмаслиги, унинг ижоди чин ижод билан бўла олмаслиги яхши англаб етилмайди. Гарчи, машина талаба интеллектуал қобилиятини балки “адолатли» баҳолай олса ҳамки, у ҳеч қачон унинг унинг қалбидаги ижод имкониятини уйғота олмайди.

Ғарбда рационал тафаккур тантанаси XVIII аср охири XIX аср бошларидаёқ содир бўлди ва бу Шарққа ҳам таъсир кўрсатди. Рационаллашувнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуддир.

Яхлит билимнинг дифференциаллашуви, жуда майда соҳаларга бўлиниши оқибатида инсониятнинг кенг қатлами интеллектуал қобилияти ривож топди, инсоният пода ҳолида стихияли яшашдан шахс сифатида яшаш даражасига кўтарилгани ижобий жиҳатдир. Салбий жиҳати эса, Фил ҳақидаги ривоятда кўрсатилганидек, филнинг майда қисмлари, думи, қулоқларинигина кўриб, уни яхлит жонивор сифатида қандайлигини била олмаган кўрларга ўхшаб, дифференциаллашган фан ҳам ожиз эканида.

Машиналар информациянинг бой захирасига эга, шунинг учун улар жуда кўп билим бера оладилар. Лекин улар ҳеч қачон талабаларга дилдан маъруза ўқийдиган лекторнинг ўрнини боса олмайди. Чунки, чин билим, ижод самарали бўлиб, фақат қалбдан қалбга узатилади, уни энг юксак техника ҳам бера олмайди. Ваҳоланки, чин устознинг бир нигоҳида бир олам илм жо бўла олади.

Шунга қарамасдан, рационаллашувнинг инсоният ҳам қисматида борлиги бежиз эмас. Албатта, бу давр санъати ҳам рационаллашув ҳукмрон мавқеда бўлмаган вақтдагидан анча бошқача ривож топди (Аруз вазни ўрнига бармоқ вазни, бармоқ вазни ўрнига оқ шеърят, романчилик ўрнига публицистика келганидай, инсон ички гўзаллигини мадҳиялари ўрнига ташқи гўзаллик мадҳиялари устувор бўла бошлади).

Биз яшаётган даврнинг талаби шундаки, чин фалсафа (эзотерик ва экзотерик, рационал ва иррационал фалсафа) чин санъат билан уйғун бирликда бўлиши керак. Бунинг учун санъатда тегишли маъно теранлиги, фалсафада эса чин қалб ҳикмати юзага чиқиши керак.

3. Фалсафада фан ва эзотеризм муносабати

Танқидий рационализм илм-фанни, илмий назарияларни ноилмий ёндашувлардан, сийқа қарашларга эргашишдан, компиляцияга, маддоҳликка берилишдан асрайди. Компиляция, маддоҳлик ҳурфикрлик, демократия, илм-фаннинг душманларидир, айнан улар сабабли жамиятда авторитетларнинг бадҳазм фикрлари "ягона ҳақиқат" сифатида тарғиб этилади. Демократик жамиятда "ягона ҳақиқат"нинг бўлиши амри маҳолдир. Энг оқил, энг доно шахс ҳам "ягона ҳақиқат"ни тополмайди, айтолмайди; ҳеч бир шахс, ақл шундай ҳақиқатни кишилар онгига сингдириш ҳуқуқига эга эмас. Шунга даъвогар шахс пайдо бўлса, у куч ишлатишга, автократик ёки тоталитар бошқаришни ўрнатишга мажбурдир. Шунинг учун ҳам танқидий рационализм, ўзини ўзи танқид нафакат илмий назарияларни ноилмий қарашлардан, худди шунингдек, демократияни ғайридемократиядан, сидқидилликни маддоҳликдан, яхшиликни ёмонликдан ажратишга ёрдам берувчи усулдир.

Ҳозирги даврдаги фалсафий изланишларда, ўтмишда инсоният маданияти кузатувчанликка асосланган дунёқарашга таяниб келгани, унинг

билимлари эзотерик (ички, рухий кечинмаларга асосланган) табиатга эга бўлгани, индустриал тараққиёт эса инсон ички дунёсини ўзгариб юборгани ҳақидаги хулосалар ҳарёклама ва кенг олдинга сурилмоқда. Катта тезлик билан ўзгараётган техникизм шароити эндиликда инсонни ўз ички дунёсига қарши қўяётгани ва бу ҳол уни ташқи – ижтимоий-маданий, табиий, шахсий жиҳатларида ҳам ўз аксини топаётганини қайд этилмоқда.¹ Файласуфлар ўз ишларида ушбу кризиснинг сабаби сифатида бутун Ғарб маданиятининг ўтмиш дунёқарашидан узилиб қолгани ва фақат илмий дунёқарашга асосланиш фактини ҳам кўрсатмоқдалар.

XX аср хинд эзотерик донишманди Жидду Кришнамурти “Ҳозирги инсонлар сўзларнинг асоратига тушиб қолган. Эски , догмага айланиб кетган назариялар асоратига тушиб қолгандар.” – дейди.² Айни шу маънода француз эзотерики Р.Генон ҳам тафаккурий жараёнини миқдор категориясида, рухий жараёни эса сифат категориясида ифодалайди ва охир замон белгиси деб сифатнинг сусайиши, миқдорнинг ортиб кетишини кўрсатади.³ Ваҳоланки Шарқнинг буюк авлиёларидан бири Жалолиддин Румий “Сўз фақат либос, маъно эса унда яширинган сир” эканини таъкидлагани бежиз эмас эди. Ҳозирги давр информацион технологиялари эса айна шуандай ортиқча юк билан онгимизни тўлдиришда жуда катта кучга айланган.

Фалсафада рационаллашув туфайли дифференциаллашув жараёни кучайди. Яъни, фалсафада анча аввал бошланган эзотерик ва экзотерик (рационал-назарий) аспектларнинг бир биридан ажралиб кетиши ва бу кейингисининг мустақиллашуви билан тугамади. Аввалги яхлит экзотерик тизим структурасида ҳам навбатдаги парчаланиш содир бўлди. Бу парчаланиш (дифференциаллашув) натижасида онтология билан натурфалсафа (физика) ва математика, ундан кейинроқ эса натурфалсафа билан математика орасида ажралишлар бўлди. Ундан кейин астрономия, механика, тиббиёт ва б. фанларнинг натурфалсафадан ажралиб, ўз мустақил тараққиёт йўлига кириши содир бўлди. Боз устига қадимги онтология ва натурфалсафа мазмунида ҳам парчаланиш давом этгани маълум. Материализм ва идеализм фалсафий концепциялари бу ажралишлар орасида энг кескини бўлди. Амалий фалсафа таркибида ҳам шуларга мос ажралишлар содир бўлган албатта.

Рационал-назарий (экзотерик) фалсафанинг охириги яхлит идеалистик тизими немис файласуфи Георг Вильгелм Фридрих Гегель (1770-1831) таълимотида сақланган эди. Унинг “Фалсафий фанлар энциклопедияси” (Т.1-3) асарида фалсафий фанларга қайси фанлар кириши ва улар қандай қисмлардан иборатлиги баён этилган бўлиб, унда табиатшунослик, ижтимоий ва ижодий билим соҳалари батафсил келтирилган. Ундан кейин (рационал-назарий-экзотерик) фалсафа ва фанларни бу қадар тўлиқ жамланган фалсафий тўлимот Ғарб фалсафасида

¹ Юркова Е.С. Человек в ситуации культурного кризиса: аксио-антропологический аспект. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. Екатеринбург – 2008.

² Джидду Кришнамурти. Первая и последняя свобода. Харьков.”Весть”. 1994. – С.327.

³ Рене Генон. Карство количества и знамения времени. - М.: Беловодье,1994.

бошқа бўлмади. Гегел томонидан номлари саналган кўп фанлар Гегел яшаган даврдаёқ фалсафадан ажралиб, мустақил бўла бошлаган, алоҳида назарий фаолият соҳалари сифатида шакллана бошлаган эди. Табиатшунослик фанларининг фалсафадан кескин ажралиб чиқиши XIX асрнинг биринчи ярмида содир бўлди. XX аср охирларига келиб эса ижтимоий ва гуманитар фан соҳалари ҳам назарий фалсафа таркибидан ажралиб чиқишди, мустақил фан соҳаларига айланишди. Булар жумласига рухшунослик (психология), сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, социология кабилар кирази.

Ҳозирги даврда фан деганда табиатшунослик, ижтимоий, гуманитар ва техникавий соҳаларни ўзида жам этган мураккаб ҳодиса назарда тутилади. Бу соҳаларнинг ўзлари ҳам эндиликда, шу даражада дифференциаллашиб, тармоқланиб кетдики, уларни кўриб чиқиш ва таснифлаш учун махсус илмий изланишлар олиб бориладиган бўлди. Эндиликда Европа фани тарихида ҳукм сурган бу даврни яхлит борлиқ (универсум) айрим қисмларини тасвирлаб чиқиш йўли билан бутун оламни муруввати бураб юритиладиган бир механизм каби тасаввур этишга уринадиган редукционизм даври деб ҳам талқин этилади.

Фанларнинг шаклланиши ва тараққиёти мобайнида фалсафа билан фанларнинг предметини ажратиб таърифлаш муаммоси ҳам вужудга келди. Тоталитар социализм мафкураси даврида фалсафа билан фан орасидаги фарқ анча сезиларли бўлган эди. Шунинг учун бу даврда фалсафанинг фандан фарқлайдиган ва ўз предметини кўрсатадиган таърифи олдинга сурилди. Ушбу таърифга кўра “Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг *энг умумий қонунлари* ҳақидаги **ф а н** дир”. Ушбу таърифга кўра фалсафа ҳам фан, лекин у фандан ўз предметининг умумийлиги билан фарқ қилади. Яъни фалсафа ўз предметига кўра энг умумий фандир. Чунки у табиат, жамият ва билиш (тафаккур) тараққиётининг энг умумий қонунларини ўрганиш билан шуғулланади. Фан, яъни фаннинг турли соҳалари эса хусусий ва нисбатан умумий қонунларни ўрганади деб ҳисобланиб келди.

Ҳамон фалсафа фанга айланган экан, унинг мазмунида метафизик онтологияга ҳам ўрин йўқ эди. Шунингдек, бундай фанни гносеология эмас, балки асосан фақат эпистемология¹ қизиқтиргани ҳам табиий. Бу қарашни фалсафанинг ўзида шаклланган позитивизм оқими (О.Конт ва унинг кейинги издошлари) намояндалари олдинга сурган эди. Улар фалсафа илмийлик мезонларига жавоб бера олмаслиги ҳақидаги хулосани олдинга суриб, дин каби фалсафа ҳам ўз умрини тугатган ва ўз ўрнини илмий дунёқарашга бўшатиб бериши керак бўлган, эскирган қадрият деган фикрларни олдинга сурдилар. Шунга қарамасдан кўпчилик файласуфлар ҳамон фалсафанинг фанлик статусини даъво қилишда давом этмоқдалар.

Эндиликда, фалсафа, умуман, фан қандай ҳодиса эканини ўрганадиган махсус илмий соҳа - фан фалсафаси, техника нима эканини

¹Эпистемология – фалсафий билиш эмас, балки фақат **илмий** билиш назарияси ва методологияси.

махсус ўрганадиган техника фалсафаси ҳам, сиёсат, санъат нималигини махсус ўрганадиган сиёсат фалсафаси, санъат фалсафаси, экология фалсафаси, глобаллашув фалсафаси (глобалистика), ҳам ва ҳ.к. шаклларни олмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бошдан кечираётган ҳозирги давр глобал кризислари, инсон ҳаётида маъно ва мақсаднинг йўқолиши айтилиши рационал илмий-техникавий тафаккур тараққиётининг оқибатидир. Юқорида биз фалсафанинг структурасида содир бўлган ўзгаришлар (дифференциаллашув) оқибатида фалсафанинг предмети тобора торайиб боргани, эндиликда унинг хатто кераги ҳам қолмагани ҳақидаги хулосалар ҳам келиб чиққан (позитивизм) даврни кўрдик. Ваҳоланки, ушбу жараёнда фалсафа учун ҳам, хусусий фан учун ҳам камчилик, йўқотиш сифатида юзага чиқадиган жиҳатлар бор. Масалан, фалсафанинг руҳшунослик (психология) каби муҳим таркибий қисмларидан бири билан ажрашуви оқибатларига назар солайлик. Ушбу ажралиш натижасида фанга айланган ҳозирги психология чин маънодаги руҳшунослик илми эмас, яъни у Платон ёки Аристотеллар руҳ (пневма) ва жон (псюхе) деб ҳисоблаган сирли ҳодисаларни ўрганадиган эзотерик (мистик) илм эмас. У инсон организмнинг физиологик ва ташқи ифодадан ҳолатларини табиатшунослик фанлари олами объектив, ташқи билишга асосланиб кашф этган қонунларга таяниб ўрганадиган илмдир. (Тўғри, кейинги асрларда илмий психология билан бирга эзотерик психология ҳам мустақил иш олиб борапти. Лекин бу иккиси орасида ажралиш ҳали жуда катта.)

Иккинчи томондан, ўзининг энг муҳим таркибий қисми булган эзотерик аспектидан, яъни эзотерик психологиядан “воз кечган” фалсафа **фани**нинг ўз мазмунида ҳам бу катта ўприлиш эди. Зеро бундай фалсафанинг онтологияси ўз мазмунига жуда катта ва муҳим мавзу - руҳий борлиқ ва тирикликнинг моҳияти масаласини мутлақо четга чиқариб ташлайди. Натижада фалсафанинг ўзи ҳам илдизидан, ўз жон томиридан, яъни “жон” ҳақидаги таълимотдан, кенгрок қараганда эзотерик мазмундан жудо бўлди. Ваҳоланки, жон ҳақидаги таълимот, масалан, Платон фалсафасининг ўзагини ташкил этар эди. Фалсафанинг айтилиши шу каби чўлтоқланиши бошқа масалалар муносабати билан ҳам узлуксиз давом этди. Иш хатто шу даражага бориб етдики, онтология масалалари файласуфлар назаридан буткул қолиб, фақат гносеология, кейинчалик эса гносеологиянинг ўзи ҳам торайиб кетиб фақат (фалсафий билиш) эмас, илмий билиш муаммоларига бутун эътибор қаратиладиган бўла борди. Шундан кейин фалсафанинг фан бўлишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Хуллас, XIX аср ўрталарига қадар барча фанлар фалсафадан мустақил бўлди ва шундан буён уларнинг фалсафадан мустақил ривожланиши жараёни давом этиб келди. Шундан бери дунёқарашнинг энг янги шакли - илмий дунёқараш ҳам шаклланди ва эндиликда у инсоният ҳаётини белгилаб, ташкиллаб келмоқда. Ва, илгари ҳам айтганимиздай, энг кейинги даврда фанларнинг интеграллашуви амалга оша бошлади ва шу муносабати билан постносклассик фан шаклланиб, энди у фалсафанинг

борлиқ энг умумий қонунларини билиш вазифасини ҳам бажара олиши даъвосини қилмоқда. Шундай бўлгач, фалсафа энди фанми ё фан эмасми, агар у фан бўлса, унинг предмети қандай, деган муаммо энда яна ҳам кескин кўндаланг бўлган эди.

4. Замонавий фалсафада сциентизм ва антисциентизм муаммоси

Одам ҳақиқат нима эканлигини билмайди; ҳақиқатнинг мезонлари, чегаралари ҳам йўқ, уларни ҳар ким ўзича талқин этади ва изоҳлайди. Валек ҳақиқат мезонларининг йўқлиги ундан воз кечиш зарурлигини англамайди, балки инсон ҳақиқатга интилиб ақлу идрокнинг, билимнинг куч-қудрат эканини тасдиқлайди. Натижада "дунёни билишга қанча кўп ва чуқур киришсак, биз уни шунча билмаслигимизни, ғофиллигимизни кўпроқ ва аниқроқ англаймиз. Аслида бизнинг ғофиллигимиз шундаки, бизнинг билимимиз чекланган бўлиши мумкин, шу билан бирга бизнинг ғофиллигимиз беҳад чексиздир... Шунини эсда тутиш фойдалики, кам нарсаларни билишда биз бир-биримиздан кучли фарқ қиламиз, лекин беҳад ғофилликда биз барчамиз тенгимиз". Шунинг учун ҳақиқатни тинмай излаш инсонга берилган ягона имкондир, бу эса "ҳақиқат киши сиғинадиган авторитетлардан юқоридир" деган хулосага олиб келади. Файласуфнинг ёзишича, ҳақиқатга, билимга етиш йўли танқид, ўзини ўзи танқид, баҳс, муҳокамадир. "Эмпирикларнинг авторитетларга сиғинишга олиб келадиган "Сиз ҳақиқатни қаердан биласиз? Тасдиқингиз манбаи нимада?" деган саволларини "Ҳатоларни қандай топиш ва бартараф этиш мумкин?" деган савол билан алмаштириш лозим". Чунки эмпирикларнинг саволлари ҳақиқатни, билимни қандайдир авторитетлардан излашга, авторитетлардан тасдиқ, далил, исбот келтиришга ундайди, шу тариқа мустақил фикрлашга, изланишга ўрин қолмайди.

Илмий изланишларда бу энг осон, аммо сийқа, тафаккурга деярли ҳеч нима қўшмайдиган, мавжуд фикрларни такрорлашдан, компиляциядан иборат усулдир. Ўзимизда ўтказилаётган тадқиқотлар ва чоп этилаётган "илмий асарлар" ана шундай усул маҳсули бўлгани учун уларда жаҳон илмига, тафаккурига бирор янгилик киритган эътиборли фикр учрамайди. "Ҳатоларни қандай топиш ва бартараф этиш мумкин?" деган савол эса танқидий рационализм усули сифатида назарияларни, фаразларни танқид қилишга, танқид орқали уларни такомиллаштириб боришга, янги назариялар ва таълимотларни яратишга олиб келади. Авторитет билим (билиш) манбаи эмас, танқид, эксперимент, баҳс, муҳокама илмий назарияларни догмаларга айланишдан асрайди, улардаги хато ва чалкашликларни бартараф этади. Илмий изланишларда танқиддан ташқари турадиган қарашлар, таълимотлар, авторитетлар бўлмаслиги керак. Демак, бир томондан, ҳақиқатни топиш, билимнинг тагига етиш амри маҳолдир, одамнинг ғофиллиги, ақлу идроки ва имконининг чеклангани унга

ҳақиқатни англашга, билимнинг тагига етишга ҳалақит беради; иккинчи томондан, авторитетлардан, имкониятлардан юқори турувчи ҳақиқат борлигини, инсонга ушбу ҳақиқатни тинмай излаб яшаш имкони берилганини, фақат шу тақдирдагина инсонда илмий изланишларга, билимга қизиқиш сўнмаслигини унутмаслик даркор. "Ҳақиқатни излаш илмнинг ягона мақсади эмас, биз шунчаки ҳақиқатни эмас, балки янада чуқурроқ ва янги ҳақиқатни қидирамиз."

Классик фан «табиатни инсонга бўйсундириш» шиори остида инсон нафси истакларини бутун табиатга, оламга қарама – қарши қўйди. Рус файласуфи Т.П.Григорьеванинг тўғри тушунтиришича, бунинг оқибатида Бутунлик қонуни бузилди, онтологик Адолатга зид ҳолат содир бўлди. Эндиликда, синергетика инсон иродаси унинг ўз тасаввурларига қараб эмас, балки Олам, Коинот иродасига қараб иш қўриш кераклиги ғоясини олдинга сурмоқда. Масалан, Пригожиннинг ибораси билан айтганда синергетика “табиат билан янгича диалогга киришди”. Синергетика тимсолида эндиликда фан Шарқ буддавийлиги ва даосизмда «оралиқ йўл» деб аталган вазиятни эгаллади. Зеро “Ораликда бўлиш – осмон... остидагиларнинг йўлидир». Шунингдек, донишманд даочилар табиийлик қонунига бўйсунганини талаб қилганлари ҳам ўринли. Бу қонунга кўра, инсон табиатга ўзича яхши деб ҳисоблаган нарсаларини мажбуран киритиши керак эмас, балки, аксинча, табиатни ўзига намуна қилиб олиши керак. Яъни табиатга қандай қилиш кераклигини ўргатиш ўрнига ўзи табиатдан ўрганиши керак. Даосизмнинг аосчиси Лаоцзи: «Инсон Ерга эргашади, Ер – Осмонга, Осмон – Даога, Дао эса – ўзига» деган эди. Бу ғоя синергетикада “ўз–ўзини ташкиллаш” қонуни сифатида таърифланмоқда. Охирги жумлани эса моҳият ўз – ўзини ташкиллайди, деб тушуниш мумкин.

Даосизмда “ғилдиракнинг айланиши ўқнинг кўзгалмаслиги туфайлидир деган ғоя ҳам мавжуд. (Ислом маданиятида бу ғоя Худонинг ўзи ҳеч нима қилмаган ҳолда, чархпалакни (осмонни) ўз атрофида айлантиради, деган шаклда баён этилган). Синергетикада эса ғилдиракнинг айланиши ғояси Вактнинг қайтмаслиги тушунчасида ифодаланди.

Синергиянинг (энергиялар ўзаро таъсирининг) энг олий тимсоллари бу инсон ва жамиятнинг ўз – ўзини ташкиллаши жараёнидир. Инсон ўз – ўзини ташкиллаши эса унинг очиқ тизим бўлиши, яъни худбин бўлмасдан, фақат ўз манфаати учунгина яшамасдан Ягона (Ваҳдат), Бутунлик манфаати билан яшай билишидан иборатдир. Бунинг учун одам ўзидаги «мен – сен» иккиланганлигини енгиб чиқиши тақазо этилди. Бу ҳол эса Виждоннинг уйғониши демакдир. Шарқ маънавиятида, хусусан, тасаввуф таълимотида бунга фано орқали эришилади. Демак, инсон ва инсониятнинг ҳалокатдан кутилиш йўли Бутунликка (Ваҳдониятга) эришмоқликдир. Синергетика бутун ва қисм диалектикасини айтиш шунга назарий ечади.

Юқоридаги ғоя инсоният жамиятига нисбатан ҳам ўринли. Чиндан ҳам, файласуфлар нуқтаи назарга кўра ҳозир цивилизация ўз–ўзидан ривожланиш (Тезис-Антитезис-Синтез) жараёнининг учинчи босқичида турипти. Бу босқич барча мамлакатлар ўзаро очиқ, мулоқотда, диалогда

бўлишларини ҳамда тараққиётнинг юқори босқичларига кўтарилишини тақазо этади. Бу эса, тафаккурдаги ажралишларга, дуализмнинг ҳар қандай шаклларига – материализм ва идеализм, фан ва дин, фалсафа ва фан ва х.к. – барҳам бериш орқали борлиқни англаш қобилятимизнинг тобора кенгайтириб бориб, яхлит билим асосида ижтимоий бирлигимизни чуқур англаган ҳолда ва айни замонда индивидуал ўзига хосликка ҳам даҳл қилмаган ҳолда яшаш тарзига ўтиш заруратини англатади.

Ваҳоланки, синергетиканинг кўпчилик хулосалари нафақат даосизмнинг, балки барча динларнинг, қадимги фалсафий таълимотларнинг ва мифологиянинг эзотерик ғоялари билан жуда уйғундир. Бунинг сабаби, бизнингча, шундаки, фанлар ва умуман, ҳозирги давр рационал фалсафий таълимотлари бир манбадан, «уруғдан», яъни олий иррационал, мистик билимдан ажралиб чиқиб, кейин мустақил ривожланиш йўлига кирганлар. Улар ўз мустақил тараққиётларининг меъёрига етганларидан кейин энди яна манбаъга қайтиш эҳтиёжи вужудга келди. Зеро, манбадан олинган қувват сарф этиб бўлингач, уни қайта тўлдириш эҳтиёжи вужудга келди. Фандаги инқирознинг моҳияти ҳам, бизнингча, шунда.

Синергетиканинг манбага қайтиши ҳақидаги бизнинг бу хулосамиз Гегелнинг «Триада» принципига, яъни унинг борлиқнинг шаклланиши ва ривожланиши асосий босқичларини ифодалаган схемасига (тезис – антитезис – синтез) ҳам мос келади. Бунда қадимги мифология, дин ва фалсафанинг эзотерик ядроси инсоният билимларининг кейин шаклланган барча ранг–баранглиги учун рационал фаолиятнинг барча шакллари вужудга келиши учун зарурий бўлган дастлабки дастур – тезис деб қараш мумкин. У ҳолда, қадимги фалсафа бағрида рационалистик фалсафа ва фанларнинг шаклланиши, дифференциаллашуви, билим хилма–хиллиги вужудга келиб, бу ҳолнинг тобора авж олиши тезиснинг амалга ошуви бўлади. Тезиснинг амалга ошувини тезиснинг ўзига қарама–қарши тамойил сифатида қаралиши бу ерда ҳам бежиз эмас. Чунки, «тезис» босқичида билим Оламнинг бир бутун ҳолдаги идеал (эзгу) тасаввурини ўзида жо этган бўлса, кейингисида, яъни «антитезис» босқичида Олам манзараси рационал тафаккурига хос бўлган узук–юлуқ (фрагментар), бир-бири билан боғланмаган ва юзаки тасаввурлар шаклида ва, лекин, бой хилма – хиллик, айримликлар шаклида намоён бўлади. Синтез босқичи эса, билимдаги бу фрагментарликка, бир–биридан ажралган қарашларга барҳам беради, яна бирлашув, интеграллашув содир бўлади. Бу ҳол нафақат фанлар, балки маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида содир бўлади.

Олим ва файласуфлар узоқ вақт мистика (сирли билим) деган тушунчадан ўзаларини олиб қочиб келдилар. Ваҳоланки, мистик билиш ғайри табиий ҳодиса эмас, балки биз учун яширин бўлган билимларнинг онгимизга ўзи келиб киришидир. Яширин билим маълум ғоялардан фарқ қиладиган янги ғоянинг пайдо бўлишидир. Бу билим ақлий фаолиятга нисбатан мутлақо бошқача билиш услубини талаб қилади. Яъни ақлда ташқи борлиқни акс эттириш орқали объектив билим хосил қилинса, яширин билим эса, инсоннинг ўз руҳиятига, ички дунёсига, қалбига назар солиши йўли

билан ҳосил қилинади. Шарқ эзотерик фалсафасида тушунтирилишича, кишиларнинг сезгилари, кўзи ва х.к. ақли ўткир бўлса, у кўпроқ ақлий билимга эга бўлгани каби, қалби қанча тоза бўлса, яширин билимнинг келиши, миқдори ҳам шунча кўп бўлади. Умуман эса, Шарқ таълимотларида ақл билан қалб уйғунлиги талаб қилинади. Буюк ватандошимиз, Абу Наср Форобийнинг уқтирилишича, билишда ва, умуман кишининг барча фаолиятида қалб ҳукмдор ўрнида, ақл эса, вазир ўрнида хизмат қилмоғи керак.

Ғарб рационалистик фалсафаси ва фани бу йўлни танламади, қийин йўлдан кетди. Эндиликда бу йўлнинг қийинлигидан ташқари, хавфли экани ҳам яққол кўриниб қолди. Зеро, табиатни бўйсундиришга, нафснигина қондиришга асосланган ақлий билимларга зўр берилиши натижасида инсонийлик, эзгулик, поклик, адолат, ахлоқ каби қалб эҳтиёжлари сиқиб чиқарилди. Натижада, ҳозирги умумбашарий муаммоларга дуч келдик, фан эса боши берк кўчага кириб қолди. Энди “Оламни билишнинг қайси услуби тўғрироқ? – анъанавий фанлар асосида ётган услубми ёки дин, мистика, Шарқ маънавияти асосидаги услубми?” каби саволлар туғилмоқда.

Биз бу борада “Ғарб ва Шарқ тафаккур тизимларини қўшиш керак бўлган вақт етиб келди, деб ўйлаймиз. Зеро, гарчи Ғарб аниқ ва лекин чекланган билим соҳасида муваффақият қозонган бўлса ҳамки, Шарқ дунё ва инсонни ҳарёқлама умумлашган равишда ва тўғри тушунишда муваффақият қозонган” деган мутафаккирларнинг фикрларига қўшиламиз.

Хилма-хил ечимлар орасида бир-биридан тубдан фарқ қилувчи учта қарашни алоҳида ажратиш мумкин. Булардан бири-сциентизм, иккинчиси-антисциентизм деб ном олган. Биринчиси фалсафага фан билан бир поғонада турадиган тафаккур шакли деб қарайди. Ушбу тамойил тарафдорлари фалсафанинг илмийлик жиҳатини бошқа махсус фанлар, айниқса табиийёт фанларининг илмийлик мезонлари асосида келтириб чиқариш (редукциялаш) мумкин деб ҳисоблайдилар. XX аср Ғарб фалсафасида бундай нуқтаи назар постпозитивизм фалсафий оқими намояндалари, масалан, К. Поппер, Локатос, Тулмин ва бошқалар томондан олдинга сурилган эди. Собик иттифок давридаги барча дарслик ва илмий адабиётларда ҳам фалсафага сциентистик ёндошув қарор топган эди. Бу ўша даврда фалсафага берилган таърифдан, яъни «фалсафа - табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан» деган таърифдан кўринади.

Сциентизмга қарама-қарши ёндошув-антисциентизм–фалсафани санъатга ёки динга кўпроқ тегишли деб қарайди. Бу қарашларга фалсафада мантикий тафаккур эмас, эркин ижод кўпроқ намоён бўлиши ҳақидаги фикрлар асос қилиб олинади. Ғарб фалсафасида ушбу тамойил М. Хайдеггер, Ж.П. Сартр, А. Камю каби экзистенциалист-файласуфларнинг қарашларида ўз ифодасини топди.

Учинчи нуқтаи назар тарафдорлари (неопозитивистлар) фалсафа фанга, айниқса табиийёт илмига (физика, химия, биология ва х.к.) хос

бўлган илмийлик мезонларига жавоб бермайди, шунинг учун уни фан деб ҳисоблаб бўлмайди, деган фикрни олдинга суришди.

Бу қарама-қарши тамойилларидан қай бири кўпроқ ҳақли ёки ноҳақ эканини жўнгина аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун иккала томоннинг ҳам фикр-мулоҳазаларини чуқур таҳлил этиш зарур. Зеро ҳарқандай ўта қарама-қарши фикрларда бўлгани каби, бу иккала тамойил мушоҳадаларида ҳам муайян тўғри хулосалар ва, аксинча, бирёқламаликлар мавжуд.

Биринчи тамойилнинг ҳақли жиҳати шундаки, фалсафада чиндан ҳам фанга хос бўлган талай хусусиятлар мавжуд. Жуда қадим даврлардан бошлаб унинг фан билан бир хил бўлган кўпгина усуллари дунёни билишга татбиқ этиб келинаётгани, хусусан, анализ, синтез, умумлаштириш, тартиблаштириш, ўзаро боғланиш ва таъсир қонунларини аниқлаш кабилар хусусий илмий изланишларга жалб этиб келингани юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Лекин фалсафа, аynи замонда, бошқа махсус фанлар амалга ошира олмайдиган бошқа талай вазифаларни, масалан, методология, олий даражадаги умумлашмалар ҳосил қилиш, дунёнинг энг яхлит манзарасини яратиш кабиларни ҳам бажаради. Демак, фалсафани фан деб билган тақдиримизда, ҳам уни оддий фанлар қаторига қўшиб бўлмас эди. Зеро фалсафа фанга хос вазифаларни бажариш билан бир қаторда ҳеч қайси махсус фан бажар олмайдиган бошқа бир қатор вазифаларни-методологиявий, дунёқаровчанлик, тарбиявий, мафкуравий ва ҳоказалар ҳам бажаради.

Фалсафа фан эмас, дейдиганлар нуқтаи назаридаги ўринли фикр шундаки, фалсафа чиндан ҳам ҳозирги даврнинг энг ривожланган фанлари - физика, математика ва бошқалар бўйсунадиган илмийлик мезонларига қатъий риоя этмайди. Бу ҳолат хатто юзаки қараганда ҳам кўзга яққол ташланади. Масалан, махсус илмда ягона классик механика, ягона квант механикаси, ягона ноорганик химия каби соҳалар бор, бошқа классик механика, бошқа ноорганик химия кабилар йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин фалсафада бундай ўзгармай турадиган таълимот йўқ. Бунда таълимотлар олами ниҳоятда хилма-хил, ранг-баранг ва зиддиятли. Уларни ягона бир таълимот остида бирлаштириш деярли мумкин эмас. Ҳар бир фалсафий таълимот ўз муаллифининг номи билан аталиши ҳам шундан. Масалан, Афлотун фалсафаси, Флоробий фалсафаси, Фейербах антропологик материализми, Ф. Бэкон эмпиризми, Беркли субъектив идеализми ва ҳоказолар. Зеро фалсафа учун энг муҳими инсон ҳаётининг маъною мақсадини, инсон нимага интилиб яшаши лозимлигини аниқлашдан иборатдир. Акс ҳолда бу фалсафа эмас, фақат фан бўлур эди, яъни бошқа фанлардан вазифалари доираси бирмунча кенгроқ бўлган «фан» бўлур эди ҳолос.

Айни шу мақсадига кўра фалсафий ғоя ва қонунларда, фақат объектив, илмий билимларгина эмас, балки субъектив ижодий ёндашувлар ҳам кенг қатнашади. Бошқа сўзлар билан айтганда, фалсафий хулосаларда таълимот муаллифининг шахсий тажрибалари ва хис-туйғулари, индивидуал ижодий имкониятлари алоҳида аҳамият касб этади ва фандагидан кучдироқ ва умумийроқ доирада амал қилади. Шу маънода, антисциентизм намояндаларининг фалсафага эркин ижод шаклларида бири деб қарашларида ҳам етарли асос бор, албатта.

Лекин, иккала тамойил-сциентизм ва антисциентизмнинг мулоҳазаларида умумий камчилик ҳам мавжуд. Иккала тамойил ҳам фалсафанинг муҳим жиҳатларидан бирини инкор этиб, иккинчи жиҳатини устун ўрнига чиқаришга уринади. Сциентизм фалсафанинг мантикий-рационал, яъни илмий жиҳатини устун билиб, унинг субъектив ижодий имкониятларини назардан соқит қилаётган бўлса, антисциентизм, аксинча, унинг фақат эркин субъектив ижод сифатидаги аҳамиятини бўрттириб, илмийлигини номуҳим деб билмоқда. Натижада фалсафанинг асл табиати бирёқлама ёритилмоқда, мазмуни торайтирилмоқда, саёзлаштирилмоқда.

Сциентизмнинг ҳам, антисциентизмнинг ҳам ижобий фикрларини сақлаб қолган ҳолда, уларнинг камчиликларини бартараф этишга қаратилган ёндошув ушбу муаммога ҳақиқий ёндошув имконини беради. Яъни биз фалсафанинг илмийлигини ҳам, эркин субъектив ижод шакли эканини ҳам баробар тан олишимиз лозим деган хулоса чиқади. Зеро фалсафанинг илмийлиги унинг эркин субъектив ижодийлик жиҳатига, эркин субъектив ижодкорлик жиҳати эса илмийлигига зид келиши шарт эмас. Шу иккала жиҳатни ўзида жо қиладиган фалсафа, албатта, илмийлик мезонларига ҳам ижодий фаолият мезонларига ҳам жавоб бера олади. Лекин махсус фан тармоқлари ёки эркин ижод соҳаларининг айни ўзидагидай эмас, бирмунча кенгроқ миқёсида, бошқачароқ табиатда жавоб беради.

Албатта, юқоридаги мулоҳазалар олий маънодаги фалсафа ҳақида кетяпти. Зеро, файласуфлар, фалсафий мактаблар ўз тадқиқотларида бутун инсониятнинг билим ва тажрибаларига таянган ҳолда дунёнинг яхлит манзарасини чизиб беришга, «дунё ўзи нима» деган саволга жавоб излашга уриниб келганлар. Бу саволга жавоб бериш учун барча мавжуд билим ва тажрибаларга таянишга, илмга хос бўлган кўпгина вазифаларни ҳам бажаришга тўғри келган. Айни замонда фалсафий дунёқараш нафақат дунёни ақлий билиш, балки инсоннинг дунёга муносабати масаласини, инсон ҳаётининг мақсадини аниқлашни пировард мақсад қилиб оладики, бу йўлда файласуф ўз шахсий хулосалари, индивидуал хис-туйғу, тасаввурларидан, ижодий имкониятларини ҳам жалб этади. Шунинг натижасида ўлароқ фалсафий

нуқтаи назарлар хилма-хиллиги вужудга келади, яъни плюрализм намоён бўлади.

Лекин фалсафадаги ижодий хилма-хиллик санъат соҳасидаги каби эркин эмас. Фалсафанинг илмийлик жиҳати (илм-фанга таяниши) ундаги ижодий эркинликни муайян доирадан четга чиқмаслигини таъминлайди. Ва, аксинча, фалсафанинг ижодийлик жиҳати унинг муайян илмий хулосалар доирасида қолиб кетмасдан, фалсафий фикрнинг янги манзилларига эркин парвоз этиш имкониятларини вужудга келтиради. Демак чин донишмандлик шу икки жиҳатнинг ўзаро мувозанатида намоён бўлади. Фалсафанинг мазкур жиҳатларидан биринчи тан олиб, иккинчисини инкор этиш унинг сифатини буткул ўзгаришига олиб келади.

ХУЛОСА

Ҳозирги даврда интеграллашув жараёнининг кучайиб бораётгани эса, бизнингча, чин маънодаги глобаллашув содир бўлаётганидан эмас, балки инсоният ҳаётида айти шундай суперментал англов босқичига ўтиш шарт-шароитлари пишиб етила бошлаганидан далолат беради. Ушбу шартлардан бири ва энг асосийси инсоният умумий интеллектуал тараққиёти даражасининг тегишли меёрга етиб келганидир. Шу меёрга етиб келинганини эса рационал фалсафа ва фан намояндаларидан катта кўпчиликнинг иррационал (эзотерик) билимларнинг илмий билимлар билан бир каторда мавжуд бўлиши ҳуқуқини тан олина бошланганидан билса бўлади. Зеро, диалектик мантиққа кўра олдинги эволюцион поғона мустаҳкам қарор топмагуничи кейинги босқичга “сакраш”нинг ҳеч иложи йўқ, ва , аксинча, барча шарт- шароитлар пишиб етилганидан кейин “сакраш”ни тўхтатишнинг ҳам иложи йўқ.

Фан шу кунгача босиб ўтган умумий йўли “хусусийликдан умумийликка” ўтиш (индукция) методига таяниб келган эди. Тўғри, бу йўл фаннинг ўз ичида янги умумлашмалар, хулосалар ва парадигмаларга таянган ички (тор миқёсдаги, ички) дедукция воситасида муайян билим хазинасини қўлга киритди. Лекин бу билим инсониятга жуда қимматга тушди, уни ҳалокат жари ёқасига олиб келиб қўйган глобал экологик, иқтисодий, маънавий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа кризислар гирдобига тортди. Шунинг учун энди фаннинг бошқа намояндалари синалган “тажриба ва адашувлар” йўлидан воз кечиб борлиққа ўзлари излаб топган янги “илмий парадигма” ёки “материалистик” нуқтаи назаридан деб аталган, аслида ялпи умумий Ҳақиқатни қисмларга бўлиб, турли “фильтр”лардан ўтказиб қабуллашдан иборат методдан воз кечдилар ва олий (илмийлик доирасидан ташқарига чиқадиган) кенг миқёсли дедукция методига таяниш заруратини англамоқдалар. Зеро, улар кибернетика, генетика фанларини шундай “фильтрлардан” ўтказмаган тафаккурнинг торлигини ўз тажрибаларида бошдан кечирдилар. Эндиликда улар борлиққа “ўзларининг (тор, илмий

манзаралари) нуқтаи назарларидан” келиб чиқиб эмас, кенгрок, “объективрок”, “демаркация” кўзнойнагисиз қараш кераклигини, илгари ўзлари “ноилмий, ғайриилмий, сохта билим” деб қараб келган илмларнинг фан билан тенг мавжуд бўлиш ҳуқуқи борлигини ҳам англаб ета бошладилар.¹

Бундан ташқари фан ўз шаклланишининг дастлабки босқичида танлаган йўли бирёқлама эди. Зеро у фақат ва фақат ташқи оламни билишга йўналган (экстраверсив) эди, инсоннинг ўзи, унинг ички олами унинг йўли бўлмай келган эди. Бу инсоннинг ташқи олам қуршовида яшаши, унга ҳамиша мослашиб бориши объекти зарурати билан боғлиқ бўлган эди. XX аср Америкада шаклланган бихевиоризм оқими психология фанидаги шу тамойилни гавдалантирган эди. Умуман эса инсоннинг ташқи оламга мослашуви ҳам зарурат бўлиб, чизикли тафаккурни шу ташқи оламга мослашувнинг самарали воситаси деб қараш жоиз.

Лекин инсоният маданиятининг бошқа (интраверсив) тамойили ҳам мавжуд бўлиб, у илгари кишилиқнинг озчилик намояндаларигагина хос қобилият бўлган эди. XIX аср охири XX аср бошларида шаклланган В.Вундт ва унинг издошлари ривожлантирган интроспектив психология бихевиоризмнинг бирёқламалигини кўрсатиб берди. Кейинчалик психологияда ушбу тамойил структуравий психология, гештальтпсихология оқимларида ҳам ривожлантирилди. Бу ўринда руҳий таҳлил (Фрейд), таҳлилий руҳшунослик (К.Юнг) ва неофрейдизм вакилларининг (Э.Фромм, С.Гроф) ишлари ҳам салмоқли.

Эндиликда, кўпчилик мутафаккирларнинг тўғри кўрсатишларича, кишилиқ маданиятининг кейинги тараққиёти мантиқи билиш йўналишини мутлақо бошқа томонга ўзгартиришни, яъни **ўзликни билишга** (интроверт тамойилга) қаратилишини тақозо этмоқда. Ва инсон қизиқувчан табиатининг ўзи эндиликда шунга кўпроқ мойил бўлмоқда. Лекин бу икки йўналиш (экстравертив ва интравертив билиш) бир-бирини инкор этиши эмас, балки тўлдиришлари керак. Зеро, инсон асл ўзлигини нималигини билиши учун аввало у шахс сифатида шаклланиши, яъни инстинктив индивиддан шахсга айланиши зарур. Индивиднинг шахсга айланишида эса ақлнинг роли бекиёс. Лекин, биз тасаввуф таълимотидан биламизки, шахс бўлиш инсон тараққиётининг энг олий босқичи эмас. Зеро, авлиё бобокалонларимизнинг кўрсатишларича, инсон шахсликдан ҳам юксалиб (фанога эришиб) комил инсон унвонига ҳам сазовор бўлиши мумкин ва зарур. Улар бу даражага шариат ва тариқат орқали, яъни яхши хулқ атвор ва покланиш, маърифат ва риёзат йўли билан эришиш мумкинлигини ўз шахсий тажрибалари ва таълимотларида мерос қилиб қолдирганлар. Лекин улар комилликка ташқи олам дан воз кечиш эвазига эришишга даъват этмаганлар. Чунки улар инсон ички олами билан ташқи олам моҳиятан узвий, ўзаро боғлиқ, яхлитликни (Ваҳдатни) ташкил этишини яхши билганлар.

¹ Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005. 167-180 -б.

Ҳозирги давр психология фани айни шу узвийликни кўришга эришганича йўқ. Лекин, бу борада ҳозирга қадар эришилган ютуқлар эндиликда воқеликка янги, илмий асосда шундай реал, икки ёқлама қараш учун шарт- шароит пишиб етилган дейиш мумкин деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акимов А.Е. Облик физики и технологии в начале XXI века. Екатеринбург, 1998.
2. Беляев М.И. Милология. Концепция русского национального государства. - М.2006.www.milogiya2007.ru/rusnaz1.htm).
3. Генон. Қарство количества и знамения времени. - М.: Беловодье, 1994.
4. Дайзард У. Наступление информационного века.// Новая технократическая волна на Западе. М.: Прогресс. 1986.
5. Джан Р., Данн Б. Границы реальности. М., 1995.
6. Джидду Кришнамурти. Первая и последняя свобода. Харьков."Весть". 1994. – С.327.
7. Шипов Г.И. Теория физического вакуума. М., 1997.; Бауров Ю.А. О структуре физического пространства и новом способе получения энергии. М., 1998.
8. Лесков Л.В. Фундаментальная консематическая протоструктура Вселенной // Сознание и физический мир. М., 1997. 84—128 -б.
9. Кадомцев, Б. Б. Динамика и информация [Текст] : научное издание / Б. Б. Кадомцев . - М. : Ред. журн. "Успехи физ. наук", 1997. - 397 с.
10. Кара-Мурза С. Концепция "золотого миллиарда" и Новый мировой порядок.// <http://burkina-faso.narod.ru/kara/oro2.htm>
11. Ш.Б.Қаҳҳорова. Метафизика таълимот ва услуб сифатида.// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2004.№ 1.
12. Ник Бостром - Ph.D., is Director of Oxford University's new Future of Humanity Institute. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. //2007. // <http://spkurdyumov.narod.ru/Philos.htm> . Mail to: succeder@list.ru
13. Қаҳҳорова Ш.Б.. Шарқ фалсафасининг жозибадорлиги.// Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2006/2, 24-27- б.
14. Лесков Л.В. Философия нестабильности. Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №3, 2001. 40-61 -б.
15. Осипов Ю.М. Теория хозяйства. Т. 3. М., 1998; Львов Д.С. У экономики России есть будущее // Обозреватель. 1999. № 3. 8—11 б.
16. Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс. Избранные труды. М., 1997.

- 17.Эмих. Н.А. Культурная парадигма современного Российского образования // Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.ф.н. Чита. 2006. 8- 9- б.
- 18.Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок.Т. “Маънавият”. 1998.Б. 77.
- 19.Юркова Е.С. Человек в ситуации культурного кризиса: аксио-антропологический аспект. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. Екатеринбург – 2008.
20. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.Т., 2005. 167-180 - б.